



Огоҳ бўлингким, шояд ўз сўрисида суяниб ўтирган одамга мендан битта ҳадис етиб борса: «Биз билан сизларнинг ўртангизда Аллоҳнинг китоби бор

Миқдом ибн Маъдийкариб разияллоҳу анҳудан нақл қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Огоҳ бўлингким, шояд ўз сўрисида суяниб ўтирган одамга мендан битта ҳадис етиб борса: «Биз билан сизларнинг ўртангизда Аллоҳнинг китоби бор. Унда нимани ҳалол деб топган бўлсак, ўша ҳалолдир. Нимани ҳаром деб топган бўлсак, ўша ҳаромдир», - дер. Ҳолбуки, Аллоҳнинг элчиси соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаром қилган нарса Аллоҳ ҳаром қилгани каби».

[Тўғри матн] [Абу Довуд, Тирмизий ва Ибн Можа ривояти]

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишидан бир ҳадис етиб келса, тўшагида оғанаб олиб: «Орамиздаги барча ишларни ҳал қилиб бергувчи нарса Қуръони каримдир. Унда ҳалол дейилган нарсаларга амал қиласиз, ҳаром нарсалардан эса узоқ турамиз», - деб айтадиган инсонлар замонининг яқинлашганидан дарак бермоқдалар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз суннатларида ҳаром қилган ёки таъқиқлаган барча нарсанинг ҳукми Аллоҳ таолонинг китобидаги ҳукмига teng эканини ва у киши Раббиларидан етказгувчи (элчи) эканларини баёнладилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65005>